



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 61 (13.908)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БУЮК БРИТАНИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 апрель куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Алан Дунканни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, кейинги йилларда Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар жадал ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Ўз навбатида, ташқи ишлар вазири ўринбосари Алан Дункан меҳмондўстлик учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдириб, Буюк Британия Бош вазири Тереза Мэйнинг саломи ва эзгу тилақларини etkazди.

Ташқи ишлар вазири ўринбосари Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олган кенг кўламли ислоҳот ва янгилишлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилётганини таъкидлади.

Бугунги кунда сиёсий мулоқот ва

парламентлараро алоқалар фаол давом эттирилмоқда, савдо-иқтисодий, инвестиция, инновация ва банк-молия соҳаларида ҳамкорлик кенгаймоқда. 2018 йил якунига кўра, ўзаро савдо ҳажмида кейинги 10 йилдаги энг юқори ўсиш кўрсаткичи қайд этилди.

Жорий йил февраль ойида Тошкент шаҳрида Буюк Британиянинг етакчи компаниялари иштирокида Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон – Британия кенгашининг навбатдаги йилгилиги самарали ўтди.

Мадааний-гуманитар, таълим ва туризм соҳаларидаги алмашувлар кенгаймоқда. Мамлакатимизда Халқаро Вестминстер университети ва Британия Кенгашининг ваколатхонаси муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Учрашувда икки томонлама амалий ҳамкорликни янада мустаҳкам-

лаш, Британиянинг тўғридан-тўғри инвестицияларини, илғор тажриба ва технологияларини жалб қилган ҳолда, кўшма лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар, жумладан, Марказий Осиёда яхши кўшничлик ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни тез фурсатда тинч йўл билан ҳал этиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув сўнггида Ўзбекистон ва Буюк Британиянинг мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасида интилишлари қатъий экани алоҳида таъкидланди.

Ў.А.

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин 2019 йил 18–21 апрель кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотнинг давоми сифатида стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник ва гуманитар соҳалардаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилдилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ташриф дастурида Президент Мун Чжэ Иннинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида нутқ сўзлаши, давлат раҳбарларининг икки мамлакат етакчи компаниялари бизнес-форумида ҳамда Тошкент шаҳрида Корея маданияти ва санъати уйининг очилиш маросимида иштирок этиши кўзда тутилган. Шунингдек, Самарқанд шаҳрига ташриф режалаштирилган.

Музокаралар якунида Кўшма декларация қабул қилиниши, салмоқли ҳужжатлараро ва идоралараро ҳужжатлар тўплами, шунингдек, савдо шартномалари ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича битимлар имзоланиши кутилмоқда.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН – ЖАНУБИЙ КОРЕЯ: ҲАМКОРЛИКДАГИ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқларини қадимий дўстлик ришталари боғлаб туради. Икки халқнинг ўхшаш маданияти, менталитети ривожланишнинг турли даврларида ҳам ишонч руҳидаги ҳамкорлик учун мустаҳкам асос яратган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил ноябрь ойида Корея Республикасига давлат ташрифи ўзаро ҳамкорликнинг кенг кўламли масалалари бўйича давлатлараро алоқаларни янада ривожлантириш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академиясида 16 апрель куни “Ўзбекистон ва Жанубий Корея: ҳамкорликдаги ривожланиш истиқболлари” мавзусида ташкил этилган халқаро семинар стратегик шерикликни ҳар томонлама ривожлантириш масалалари муҳокамасига бағишланди.

Тадбир Корея Республикаси Президентининг мамлакатимизга ташрифи арафасида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ва Корея халқаро иқтисодий сиёсат институти ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда мамлакатимиз тегишли вазирлик ва идоралари, илмий тадқиқот муассасалари, ҳамкор мамлакат етакчи экспертлари ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори Элдор Арипов, Корея халқаро иқтисодий сиёсат институти президенти Ли Чже Ён ва бошқалар сўзга чиқди.

(Давоми 2-бетда)

Алан ДУНКАН: ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ НИЯТИДАМИЗ

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Алан Дункан мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари ҳақида куйидагиларни сўзлаб берди:

– Мен Ўзбекистоннинг тарафдори ва муҳлиси эканимни алоҳида таъкидлашни истардим. Шу боис, Шавкат Мирзиёев Президент этиб сайланганидан сўнг мамлакатимизга тез орада ташриф буюрган эдим.

Биз тарихнинг муҳим палласида турибмиз. Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий соҳада янада либераллашди. Президент Шавкат Мирзиёев қатор ислохотларни ҳаёtgа изчил татбиқ этмоқда. Бу Ўзбекистоннинг бизнес юритиш учун ва туризм борасида янада жозибадор бўлишига хизмат қилади.

Ўзбекистон билан Буюк Британия ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари катта. Яқинда Буюк Британиянинг қатор компания ва фирмалари вакиллари юртингизга ташриф буюрган эди. Мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинишни истаймиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш ниятидамыз. Бу ҳамкорлик нефть-газ, тоғ-кон, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари каби соҳаларни қамраб олади. Ўзаро алоқаларни янада тараққий эттиришга бор куч ва имкониятимизни сафарбар қиламиз.

Ўзбекистоннинг нуфузи тобора ортиб бораётганини таъкидламоқчиман. Илгари кўшни мамлакатлар билан баҳсли масалалар мавжуд эди. Ҳозир ҳеч қандай мунозара қолмади. Президентингиз кўшни давлатлар билан дўстона алоқаларни қайта тиклади. Бу минтақادا барқарорлик ва тараққиётни таъминлашда жуда муҳим. Амалга оширилаётган ички ислохотлар сарможа киритишда долзарб аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

Ў.А.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Тошкентда 16 апрель куни Соғлиқни сақлаш соҳасида биринчи халқаро инвестициявий форум ўз ишини бошлади.

ТИББИЁТ СОҲАСИ ИНВЕТОРЛАР ИШТИРОКИДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон каби Марказий Осиё давлатлари, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амириклари, Франция, Беларусь, Греция, Озарбайжон, Эрон каби мамлакатларнинг тиббиёт ва фармацевтика соҳасида фаолият юритаётган компаниялари вакиллари иштирок этди.

Форумнинг очилишида сўнгги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳаси, хусусан, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами, юқори технологияли хизматларни жорий этишга катта эътибор берилаётгани алоҳида таъкидланди. Бу жараёнда хориқлик ва маҳаллий инвесторлар иштироки ортиб бораётгани қайд этилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида умумий қиймати 600 миллион АҚШ долларига тенг инвестициявий лойиҳалар

ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, 4 та йирик лойиҳа асосида Туркиянинг “Сани Med Health” компанияси инвесторлари билан лаборатория маркази бунёд этиш, Ҳиндистоннинг “Pratiksha Hospital Group” компанияси билан ҳамкорликда кўп тармоқли марказ ташкил этиш ишлари амалга оширилмоқда. Бирлашган Араб Амирикларининг “Khalifa Bin Zayed Al Nahyan Foundation” компанияси кўмағида эса “Она ва бола” клиникасини қуриш, жиҳозлаш, Германиянинг КfW банки томонидан минтақавий тиббиёт марказларини замонавий ускуналар билан таъминлаш каби лойиҳалар изчил амалга оширилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шодмонов мамлакатимиз тиббиёт соҳасида 2018 йилда халқаро молиявий институтлар кўмағида жами 50 миллион АҚШ долларига тенг 6 та лойиҳа амалга оширилгани, жорий йилда яна 8 лойиҳа рўёбга чиқарилишини маълум қилди.

(Давоми 2-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ТУРИЗМ, ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ, ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ҚОНУН БИЛАН ТАРТИБГА СОЛИНАДИ

2019 йил 16 апрель куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини муҳокама қилдилар.

Парламент вакиллари дастлаб “Туризм тўғрисида”ги қонун лойиҳасини учинчи ўқишда қўриб чиқдилар. Таъкидлаш жоизки, Олий Мажлис қўйи палатасининг шу йил 2 апрелда бўлиб ўтган мажлисида мазкур лойиҳа “Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси қўрилишида иккинчи ўқишда қўриб чиқилган эди. Унда депутатлар томонидан билдирилган фикр, муҳокама ва таклифларнинг асосий мақсад-моҳияти амалдаги “Туризм тўғрисида”ги қонунга қариб етмиш фойдаланиш ва қўшимчалар киритилаётгани, туризмга эндиликда иқтисодийнинг стратегик мақоми берилганидан келиб чиқиб, лойиҳа учинчи ўқишга “Туризм тўғрисида”ги янги қонун сифатида тайёрланди. Унда белгиланган 21 та асосий тушунчадан 9 таси, масалан, “туристик хизматлар буртмачиси”, “жойлаштириш воситаси”, “туристик фаолият” каби тушунчалар тегишли моддаларга сингдирилди ва асосий тушунчалар сирасидан чиқариб ташланди. Лойиҳа қатор янгиликлар, янги атамалар ва тушунчаларга бой бўлган учун Қонунчилик палатасининг Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссиясида қонун ижодкорлари, мутахассислар ва тилшунослар иштирокида яна бир бор муҳокамадан ўтказилиб, юридик атамалар ва тил қоидаларига тўлиқ мувофиқлаштирилди.

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган “Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинган бўлиб қолди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг ривожланиши учун қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш мамлакатнинг энергетик, экологик ва иқтисодий ҳавфсизлиги мақсадларида, шунингдек, республика энергетикасининг барқарор ривожланиши учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, қайта тикланувчи энергетика чекка, тоғли ва узок ҳудудларнинг энергия таъминотида иқлим шароитидаги мусулсон ресурслари, кичик гидроэнергетика, шамол ресурслари, биомасса ва геотермал энергия иқтисодий асосланган энергия манбаи бўлиб хизмат қилади.

Муҳокама қилинган лойиҳада қайта тикланувчи муносабатларни тартибга солиш борасида қатор норматив ҳужжатлар, тегишли қарорлар қабул қилинган, кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу соҳада алоҳида қонуннинг қабул қилиниши эса, аввало, қайта тикланувчи энергия манбаларини янада кенг ривожлантириш ва жорий этишга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий базани, соҳадаги ишлар учун қонуний асос, қафолат яратиш орқали чет эллик инвесторларнинг ишончини қозониш ҳамда манфаатларини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, иқтисодий тармоқларида, ижтимоий соҳаларда энергия самардорлигини ҳамда ёқилги-энергетика балансини, мамлакат энергетика ҳавфсизлигини таъминлаш, соҳада давлат сиёсатининг устувор йўналишларини ва мажмувий чора-тадбирларини тизимли мустаҳкамлашга кўмаклашади.

(Давоми 2-бетда)

XXI сароси

Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Франциянинг Европа ва ташқи ишлар бўйича вазири ҳузурдаги давлат котиби Жан-Батист Лемуан бошчилигидаги делегация мамлакатимизга ташрифини Самарқанддан бошлади.
- Андижон давлат университетига “Инновацион гоғлар, ишланмалар ва уларни ишлаб чиқариш ҳамда таълимда қўллашнинг муаммолари” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Мамлакатимиз, шунингдек, кўшни Қирғизистон, Тожикистон давлатларининг олий

ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари, ёш олимлари, истеъдодли талабалари иштирок этган анжуманда педагогика, физика-математика йўналишларидаги инновацион гоғлар, ишланмаларни ўқитишга – амалиётга татбиқ этиш борасидаги ютуқ ва муаммолар хусусида атрофлича фикр алмашилди.

• Хоразмда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё минтақасидаги Экология маркази ва бошқа ҳамкорлар томонидан “Ўзбекистонда сув ва атроф-муҳит масалалари бўйича хабардорликни ошириш ҳамда ҳамкорликни ривожлантириш” лойиҳаси доирасида тренинг ташкил этилди.

• Фарғона туманидаги “Миндонобод” маҳалла фуқаролар йиғинида “Нозли сарой маскани” масъулияти чекланган жамияти фойдаланишга топширилди. Тикув-трикотаж корхонаси ишга туширилиши билан 120 га яқин хотин-қиз бандлиги таъминланди. Бу ерга замонавий технологиялар, энг сўнгги русумдаги тикув дастгоҳлари ўрнати-

либ, буюртма асосида сифатли, харидорбоп маҳсулотлар тайёрланмоқда.

ЖАҲОНДА

• Непал аэропортида учиб пайтанда энгил самолётнинг ҳаракатсиз турган вертолётга урилиб кетиши натижасида уч киши – битта учувчи ва икки нафар аэропорт ходими ҳаётдан кўз юмди. Ҳозирда мазкур ҳодиса сабаблари аниқланмоқда.

• Финляндияда бўлиб ўтган парламентар сайловларида социал-демократик партия галаба қозонди.

• Австралиянинг Мельбурн шаҳридаги тунги клубларнинг бирининг ёнида ярим кечада ҳаракатланаётган автомобилдан кўчадаги одамларга қарата ўқ узилиши натижасида битта одам ҳалок бўлди, уч киши жароҳатланиб, касалхонага ётқизилди. Ушбу жиноят юзасидан тергов ҳаракатлари бошланди.



ТИББИЁТ СОҲАСИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ИШТИРОКИДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Халқаро форум доирасида Тошкент шаҳар Олмасор туманида бунёд этилиши режалаштирилган "Мед сити" лойиҳаси тақдими ўтказилди. Беш гектар майдонда, 16 та бинода жойлашадиган "Мед сити"да тиббий профилактика ва даволаш мақсадлари фаолият юрताди.

Анжуманда иштирокчилар ушбу лойиҳага катта қизиқиш билдирди.

Фармацевтика соҳаси истиқболлари муҳокамага бағишланган шўба мажлисида иштирокчиларга мамлакатимизда айни йўналишда амалга оширилаётган, ишлаб чиқилаётган инвестициявий лойиҳалар ҳақида сўзлаб берилди.

Бугун мамлакатимизда фармацевтика соҳасига инвестиция жалб қилишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. 2018 йилда ушбу соҳада 96 миллион АҚШ доллари тенг 34 та инвестициявий, жумладан, 7 та эркин иқтисодий зонада 61 миллион долларлик 8 та лойиҳа амалга оширилган. 2019 йилда жами 485 миллион долларга тенг ана шундай лойиҳаларни рўйбга чиқариш белгиланган.

Марказий Осиё минтақасининг фармацевтика бозорини яқиндан ўрганиш ниятида эдик, – дейди Хитойнинг "China Meheco Corporation" компанияси бош директори ёрдამчиси жаноб Дю Ю. – Бугунги форум бу борада бизга қўл келди. Тадбирда соҳадаги маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар вакиллари билан музокаралар ўтказиш имконига эга бўлди.

Тадбир доирасида "Ўзэкспомарказ" миллий кўргазмалар мажмуасида "Соғлиқни сақлаш – ТНН 2019" Тошкент 24-халқаро кўргазмаси очилди. Унда жаҳоннинг 22 мамлакатидан тиббий ускуна ва анжомлар, дори воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 250 га яқин компания вакиллари ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда.

Шу кунги соғлиқни сақлаш соҳасида ишбилармонлар иштирокида кооперацион биржа ташкил этилди.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Азиз Абдуҳакимов иштирок этди.

Малоҳат ХУСАНОВА, ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН – ЖАНУБИЙ КОРЕЯ: ҲАМКОРЛИКДАГИ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Таъкидланганидек, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги азалий дўстлик ва ишонч руҳидаги ҳамкорлик алоқаларининг янги босқичини бошлаб берди. Бугунги кунда ушбу савдо-иқтисодий натижага савдо-иқтисодий қўшма лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилаётганида, Ўзбекистонда бизнес юритиш истагида бўлган корейлик ишбилармонлар сони ортиб бораётганида намоён бўлмоқда.

Семинар доирасида Ўзбекистон ва Корея ташқи, савдо-иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари, мавжуд имкониятларни рўйбга чиқаришдаги вазифалар атрофида муҳокама қилинди. Корейлик меҳмонлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатларимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида ўзининг қўшилган натижаларини бераётганини қайд этди.

Корея Республикаси Ўзбекистонда иқтисодийни модернизация қилиш ва таркибий ўзгариш жараёнларида фаол иштирок этмоқда. Электрон ҳукумат тизимини жорий этиш, энергетика, кимё санати, автомобилсозлик, инфратузилма-ни ривожлантиришга қаратилган қўшма технология лойиҳалар ҳамкорликда ҳаётга татбиқ этилмоқда.

– Ўзбекистон Кореянинг Марказий Осиё минтақасидаги муҳим савдо шерикларидан, – деди Ли Чже Ён. – Утган 2018 йил январи буйича мамлакатларимиз ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан зиёди ташкил этди. Мамлакатимизнинг иқтисодиёт, савдо, саноят, ижтимоий-гуманитар каби соҳаларига киритилган Корея инвести-

цияси ҳажми эса 700 миллион долларга тенг бўлди. Ўзбекистонда Корея фуқаролари учун визасиз тартибнинг жорий қилиниши туризм, маданиятлараро мулоқотни фаоллаштириш, таълим йўналишида талабалар алмашинувини ривожлантириш имконини тақдим этди.

Мамлакатимизда Кореянинг 70 дан ортиқ компанияси ваколатхоналари бор. Иқтисодиёт тармоқларида Корея инвестицияси иштирокидаги 640 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда.

Бугун ҳамкор давлат Евроосиё минтақаси учун Шимолий иқтисодий ҳамкорлик сиёсатини илгари сурмоқда. Унинг тўлақонли ҳаётида ўз ифодасини топишида Марказий Осиё минтақаси чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутди. Илгари сурлаётган янги стратегия транспорт-коммуникация, транзит каби қатор муҳим соҳаларда истиқболли лойиҳаларни амалга оширишни кўзда тутди. Бу, ўз навбатида, ягона мақон сифатида ривожланиш тарафдори бўлган Ўзбекистон манфаатларига ҳам мос келади.

Сессиялар тарзида давом этган тадбирда стратегия ривожланишнинг мақсад ва вазифалари, иқтисодий ислохотлар самараси, сиёсий, маданий-гуманитар мулоқот, саноятга рақамли технологияларни жорий этиш масалалари юзасидан атрофида фикр алмашилди. Ривожланишнинг жорий ҳолати ва истиқболлари таҳлил қилинди.

Тадбир якуни буйича икки томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишларига доир тавсиялар ишлаб чиқилди.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ, ЎЗА мухбири

ТУРИЗМ, ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ, ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ҚОНУН БИЛАН ТАРТИБГА СОЛИНАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қонун лойиҳасининг биринчи ўқишдаги муҳокамаларида билдирилган асосий эътирозлар – ҳаволачи нормалар бартароқ этилди, соҳанинг ваколатли органи аниқ белгиланди.

Мажлисида муҳокама қилинган кечган масалалардан яна бири "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўлди. Қайд этилганидек, мазкур лойиҳа мамлакатимизда давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий асосини яратиб, халқаро амалиётга мувофиқ, давлат-хусусий шериклик юзасидан лойиҳаларни тайёрлаш ҳамда амалга ошириш буйича ягона қонун ва тартиботни ўрнатишни кўзда тутди. Лойиҳанинг қабул қилиниши чет эл инвестицияларини янда кенг жалб этиш, истиқболли лойиҳаларни халқаро тажриба асосида амалга оширишга имкон беради. Бундан ташқари, қўшимча иш ўринлари ярати-лишига, давлат-хусусий шериклик жараёнларида жалб қилинадиган соҳаларда мутахассисларнинг малакасини юксалтиришга қўмақлашади.

Мазкур қонун лойиҳаси муҳокама-лари мобайнида сиёсий партияларнинг парламент қўйи палатасидаги фракция-лари ўзларининг қатъий муносабатини баён этди. Жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛиДеП) фракцияси аъзоларининг фикрича, утган даврда юртимизда иқтисодиётни либераллаштириш буйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар, институционал ислохотлар инвестиция муҳитини яхши-лашга, хорижий ва маҳаллий инвестор-лар сонининг ортиб боришига қўмақла-шиши баробарида, аънаввий равишда давлат тасарруфида ва бошқарувида

бўлган иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммо ҳамда камчиликлар давлат-хусусий шериклик тизимини жорий этишни жадаллаштириш юзасидан муҳим чоралар қўришни тақозо этмоқда.

Лойиҳа ЎзЛиДеПнинг бозор ислохот-ларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва рақобатдошлигини ошириш борасидаги устувор вазифаларига тўлиқ мос келади.

"Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари қонун лойиҳаси хусусида фикр юритар экан, унинг қабул қилиниши Ўзбекистонда давлат-хусусий шерикликнинг мустақам ҳуқуқий асосини яратиб, ишонч билдирди. Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, халқаро тажриба асосида лойиҳаларни амалга оширишга имкон яратишни маълум қилди. Бундан ташқари, қонун лойиҳаси қўшимча иш ўрин-лари очилишига, давлат-хусусий шерик-лик жараёнларида жалб этиладиган му-тахассисларнинг билим ва маҳорат да-ражасини оширишга ёрдэм бериши қайд этилди. Ушбу партия сайловотида дастурида айни йўналишда белгиланган у-стувор мақсад-вазифаларга тўла мос-келадиган ушбу қонун лойиҳасида дав-лат-хусусий шерикликнинг мақсад ва мезонлари, амал қилиш мuddати, та-сир этиш соҳалари, шартнома томонла-ри ҳамда институционал механизми аниқ белгилангани баён қилинди.

Қонун лойиҳаси Ўзбекистон ХДП фракцияси томонидан ҳам партиянинг дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда чуқур таҳлил қилинди. Таъкид-ланганидек, ушбу қонун лойиҳаси иж-тимоий соҳа объектларини қуриб, фой-даланишга топшириш борасидаги кўп-лаб муаммолар ечимига ҳам хизмат

қилади. Ўз навбатида, фракция аъзо-лари лойиҳанинг Ўзбекистон ХДП сайло-волди дастуридаги вазифалари билан ҳамоханлигини келиб чиқиб, уни кў-п-лаб қувватлашни билдирди. Шу бил-ан бирга, фракция аъзолари томони-дан давлат-хусусий шериклик муноса-батлари давлат манфаатларини ҳисобга-олиб, ҳар томонлама мақбул шартлар-да, адолатли бўлиши юзасидан қонун лойиҳасини такомиллаштириш буйича қатор таклифлар илгари сурилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоларининг нуқтаи назарига қўра, лойиҳада акс этган масалалар мазкур партиянинг дастури ва мақсадларига мос келади. Фракция вакиллари давлат то-монидан аҳоли даромадини изчиллик билан қўлайлаштириш буйича амалга оши-рилаётган сиёсатни кўп-лаб қувватла-ган ҳолда, ижтимоий шериклик муноса-батларини мустақамлаш, бизнес тузилма-ларининг ижтимоий масъулиятини янда ошириш, давлат ва хусусий сектор ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни мустақамлаш ҳамда бу борада қонун-чилик базасини такомиллаштириш му-ҳим вазифа сифатида белгиланганини қайд этиб ўтишди. Шуларни инобатга-олиб, фракция қонун лойиҳасини қабул қилишни кўп-лаб қувватлаш билан бир-га, у иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг устувор йўналишларида давлат-хусусий шериклини ривожлантиришга хизмат қилишига умид билдирди.

Мажлисида Олий Мажлис Қонунчи-лик палатасининг ваколатларига таа-луқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати

ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИГА ФИНЛЯНДИЯ КОМПАНИЯЛАРИ КИРИБ КЕЛМОҚДА

Тошкентда Ўзбекистон – Финляндия ишбилармонлари бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Финляндия Республикаси Давлат котибининг ташқи иқтисодий алоқалар буйича ўринбосари М.Кейненен бошчилигидаги бизнес делегацияси, мамлакатимизнинг тегишли вазирлик ва идоралари иштирок этган тадбирда кўп-лаб соҳаларда янги лойиҳаларни амалга ошириш, ҳамкорлик соҳаларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Финляндия экологик хавфсиз, хусусан, ахборот технология-лари, инновация, таълим, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, сув ресурсларини бошқариш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳаларда дунёда етакчи ўрнини эгаллади. Бугунги кунда мазкур мамлакат электр техникаси, машина-созлик, транспорт ускуналари, металл, ёғоч ва қорғоз маҳсу-лотлари экспорти буйича юқори кўрсаткичларга эга.

Форумда Финляндиянинг айни соҳалар буйича 15 та етак-чи компанияси – "Nokia Solutions Networks", "Probori Oy", "Senseflex Oy", "Tikkurila LLP" вакиллари иштирок этгани Финляндия ишбилармон доира вакиллари иштирок этгани да бизнес юритишга бўлган қизиқиши ортиб бораётганидан далolat.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари Лазиз Қудратов мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий алоқаларни янда ривожлантириш зарурлиги, бундан икки томон ҳам бирдек манфаатдор экани, бунинг учун қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қўлай инвестициявий муҳит яратилганини таъкид-лади.

Бундан 70-80 йил олдин Финляндия иқтисодиёти аграр соҳага ихтисослашган эди. Таълимга берилган қўлчи эъти-бор, соҳаларга инновацияларни кенг жорий қилиш орқали бугунги кунда ушбу мамлакат Европа Иттифоқидаги ривож-ланган мамлакатлар қаторидан ўрин олди.

– Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиёти тез суръатларда ривожланимоқда, – деди М.Кейненен. – Бу жараёнда Финля-ндия компаниялари ахборот технологиялари, рақамлаштириш, энергия самарадорлиги каби йўналишларда ўз хизматлари, ҳамкорлик лойиҳалари билан иштирок этиш истагиди.

Форум якунида таълим йўналишида ҳамкорлик, қўшма кор-хоналар ташкил этиш буйича келишувларга эришилди.

Шунингдек, шу кунги Финляндия делегацияси Тошкентда Финляндия Республикасининг Фахрий консулхонаси очилиши муносабати билан ташкил этилган тадбирда иштирок этди.

– Ўзбекистонда Финляндиянинг Фахрий консулхонаси очил-лиши икки мамлакат муносабатлари тарихида муҳим воқеа-дир, – деди консулхона фахрий консули Алишер Жўраев. – Эндиликда давлатларимиз ўртасида иқтисодий, ижтимоий, биз-нес алоқаларини ривожлантириш учун ўзига хос платформа бор.

Консуллик фаолияти орқали мамлакатимизда Финляндия ишбилармон доираларига бизнес имкониятлардан фойдала-ниш шартини яратилди. Бу Финляндия компанияларини қўшма инвестициявий лойиҳаларга жалб қилишда муҳим аҳамиятга эга.

МИЛЛИЙ ҲАРАКАТ РЕЖАСИ ЭКСПЕРТЛАР МУҲОКАМАСИДА

Пойтахтимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилати Инсон ҳуқуқлари буйича кенгашининг Универсал даврий ҳисоботи доирасидаги тавсияларини амалга ошириш буйича Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳаракат режаси лойиҳаси муҳокамага бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбир Инсон ҳуқуқлари буйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистон-даги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Инсон ҳуқуқлари буйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Х.Фрейзер ва бошқалар Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат, қўлчи фуқаролик жамияти барпо этиш буйича амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга ало-ҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли азоси сифатида инсон ҳуқуқлари соҳасида 70 дан ортиқ халқаро ҳужжатга қўшилган, БМТнинг 10 асосий ҳужжатини ратифика-ция қилган. Мамлакатимиз инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш буйича олган мажбуриятларини тўлиқ бажариб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 10 декабрдаги "Инсон ҳуқуқлари буйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига асосан Марказга инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш буйича халқаро ва минтақавий тузилмаларнинг тавсияларини бажарилишини мони-торинг қилиш, Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва ҳимоя қилиш буйича миллий мазбуралар тайёр-лаш, халқаро ва минтақавий тузилмаларнинг тавсияларини амалга ошириш буйича Миллий ҳаракат режасини ишлаб чи-қиш вазифалари юклатилган эди.

Инсон ҳуқуқлари буйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик-да БМТнинг Инсон ҳуқуқлари буйича кенгашининг тавсияла-рини амалга ошириш юзасидан аниқ таклифлар ва уларни амалга ошириш механизmlарини назарда тутувчи Миллий ҳар-акат режаси лойиҳасини ишлаб чиқди.

– Миллий ҳаракат режаси лойиҳаси халқаро стандартларга мослиги, унда инсон манфаатлари амалда ўз ифодасини то-паётганини диққатга сазовор, – дейди инсон ҳуқуқлари буйича эксперт Абдулҳай Мўминов. – Ушбу лойиҳада мамлакатимиз-да инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш буйича муҳим тавсиялар ўз аксини топган. Уйланимани, мазкур тадбир ҳам-корлигида ишларни янги босқичда давом эттиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Тадбирда иштирокчилар ҳужжат лойиҳаси билан танишил-рилди. Мутахассис ва экспертлар лойиҳа буйича ўзларининг тақлифларини билдирди.

ЎЗА

Май – Фуқаролар йиғини раислигига сайловлар ойи КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАР

Тошкент шаҳрида жорий йилнинг май ойида ўтказилиши кутилаётган маҳалла фуқаролар йиғини раиси сайловини сифатли, мазмунли, демократик тартиб-тамоийлар асосида ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини маҳаллалар миқёсида тушунтириш мақсадида кенг кўламли тадбирлар ташкил этилмоқда. Жойларда олиб борилаётган бу каби тадбирлар орқали аҳолининг сайлов жараёнида қонун талабларига қатъий амал қилишини таъминлаш мақсад қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кенга-шининг 2019 йил 15 февралдаги "Фуқаролар йиғин-лари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорининг ижроси натижасида 1353 нафар номзодга ижобий ҳулоса берилди. Республика ишчи гуруҳи томонидан Тошкент шаҳрининг қолган маҳаллаларида номзодлар билан суҳ-бат жараёнлари давом этмоқда.

Тошкент шаҳридаги барча маҳалла ишчи гуруҳлари тақлифларини инобатга олган ҳолда, вакилик норма-лари таъминланди. Унга асосан маҳалла ишчи гуруҳла-ри томонидан ҳовиллар, уйлар ва кўчаларда аҳолининг фуқаролар йиғини вакиллари сайлови буйича умумий йиғилишлар ўтказилди ва вакиллар сайланди.

Фуқаролар йиғини раисларининг сайловини ўтказиш кунини, жойи ва вақтлари аниқланиб, сайловлар янги бунёд этилган замонавий маҳалла гузарлари, коллеж, академик лицей ва мактаб биноларида ўтказилиши бел-гилаб олинди.

Туман кўмаклашувчи комиссияси ва туман ҳокимлиги масъуллари томонидан сайлов ўтказилиши белгиланган манзилларга овоз бериш кабинаси ва сайлов қўтилари етказилди.

Шаҳар кўмаклашувчи комиссияси томонидан барча туманларга сайловга қорловчи широрлар ва плакатлар тарқатиш тартиби учун ишлаб чиқилди. Ушбу плакатлар шаҳарнинг барча марказий кўчалари, маҳаллалар, аҳоли гавжум жойларга жойлаштирилиши буйича манзиллар белгиланмоқда.

Шунингдек, ҳар бир туманда барча ишчи гуруҳ раис-ларини тақлиф этган ҳолда кўргазмали сайлов йиғи-лишлари ўтказилиши буйича режа-жадваллар ишлаб чи-қилди.

Бир сўз билан айтганда, Тошкент шаҳрида сайлов жараёнларида тайёргарлик ишлари ушқоқлик билан олиб борилмади.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 508 та маҳалла фу-қаролар йиғини мавжуд бўлиб, маҳаллаларнинг ҳамма-сида 2019 йил май ойида фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) сайлови бўлиб ўтади.

Ўткир УЛАШЕВ, Тошкент шаҳар маҳаллалар кенгаши Ташкилий-услубий шўба етакчи мутахассиси

КЕЛИШУВ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТимоий-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва Хотин-қизлар қўмитаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги келишув имзоланди.

Жорий йилнинг декабрь ойида мамлакатимизда парламент ва маҳаллий ҳокимият вакили органларига сайловлар ўтказилди. Ушбу сайловларда хотин-қизларнинг фаол иштироки муҳим аҳамиятга эга.

Марказий сайлов комиссиясининг Хотин-қизлар қўмитаси ва мазкур келишув мамлакатимизда ўтказилаётган сайловларда хотин-қизларнинг иштирок этишида уларнинг конституцион ҳуқуқларидан фойдаланишини таъ-минлашда ўзаро ҳамкорликни назарда тутди.

Ушбу келишувнинг аҳамияти хусусида қўйидаги фикрлар билдирилди: Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Танзила НОРБОВЕВА:

– Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оши-риш, уларнинг барча соҳаларда тенг ҳуқуқли меҳнат қилиши борасида ҳуқуқий асослар яратилган. Бугун давлат ва жамоат ташкилотлари тизими-да 1 минг 405 нафар хотин-қиз раҳбар сифатида фаолият олиб бормоқда. Аммо амалга ошираётган ишларимиз ҳали бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бермайди. Мазкур йўналишдаги ишларни қўлайитириш мақсадида бугун Марказий сайлов комиссияси билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиб, келишув имзоланмоқда. Мақсадимиз – парламент депутатлигига номзод-ларни тайёрлаш ва 2019 йилги сайловларда хотин-қизлар томонидан ном-зод кўрсатилишини 50 фоизгача етказиш ҳамда депутатлар орасида улар-нинг улуши 30 фоиздан кам бўлмашлигига эришишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улуғбек АБДУСАЛОМОВ:

– Ушбу келишув номига бўлмайди. Бу аниқ манзилли чора-тадбирларни ўз ичига олган "Йул харитаси"дан иборат бўлади. Келишув сайлов қонунчи-лигига оид ҳуқуқни қўллаш амалиётини биргаликда таҳлил қилиш, сайлов-ларни ўтказишда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш ҳамда уларнинг сайлов ҳуқуқларини кенгай-тиришга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш доирасида амалга ошири-лади. Шунингдек, аёлларнинг сиёсий фаоллигини ошириш масалалари буйича қўшма форумлар ўтказиш, таҳлилий ахборот-маълумотнома матери-аллар ва услубий тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда қўш эътиш, хотин-қиз-ларнинг сайлов тўғрисидаги билимларини ошириш ва сайлов ҳуқуқларини ҳимоя эта олишига қўмаклашиш мақсадида ҳуқуқий тушунтириш ишларини олиб бориш назарда тутилмоқда.

Келишув Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.Норбовева томонидан имзолан-ди. Мазкур келишувни амалга оширишга қаратилган "Йул харитаси" тас-диқланди.

Н.НАСРИЕВ

ҚИСҚА САТРЛАРДА

- Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Минск шаҳри ижроия қўмитаси ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликка оид келишув имзоланди.
- Шаҳримизда аёлларни реабилитация қилиш марказининг туманлараро бўлими очилди.
- Тошкент шаҳар ҳокимлигига рақамли технологияларни қўллашни истиқболлари муҳокама этилди.
- Пойтахтимизда дунёда машҳур юлдашлар иштирокида Халқаро жаз фестивали ташкил қилинди.
- Олмасор туман халқ таълими бўлими ҳамда Миллий савдога Ҳарбий-техник институт ҳамкорлигида тумандаги барча мактабларда "Маънавият қаровни" лойиҳаси асосида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Айни кунларда мамлакатимиз бўйлаб ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг яшаш шароитини тубдан яхшилаш, турмуш фаровонлигини ошириш, давлат органлари билан аҳоли ўртасида очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, фуқароларнинг ҳаётини яхшироқ қилиш ва муаммоларини бартараф этиш борасида ҳудудий секторлар томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

САЙЁР ҚАБУЛЛАР МУАММОЛАР ЕЧИМИНИНГ ОМИЛИ

Шу йилнинг 1 февралдан секторлар ҳузурида тузилган ишчи гуруҳлар аъзолари уйма-уй юриб, ҳар бир хонадонга кириб, ҳамюртларимизни қийнаётган ёки ўйлангандан муаммолари ўрганилиб, уларни ҳал этишнинг аниқ чоралари белгиланмоқда. Бундан ташқари, жорий йил 23 мартдан 1 майга қадар жойларда тизимли равишда секторлар раҳбарларининг сайёр қабулларини ўтказиш ҳам йўлга қўйилди.

Тошкент шаҳрида шу кунгача бўлиб ўтган сайёр қабулларда 2150 нафар фуқаро қабул қилиниб, улардан 1430 та мурожаат рўйхатга олинди.

Шулардан суд-ҳуқуқ масалаларига оид 169 та, ички ишлар органлари фаолияти билан боғлиқ 154 та, прокуратура органлари фаолиятига тегишли 121 та, уй-жой ва ер ажратиш масалалари бўйича 114 та, соғлиқни сақлаш тизимига оид 85 та мурожаат қайд этилди.

Қабуллар жараёнида муаммоларнинг 379 таси (26,5 фоиз) жойида ҳал қилинди, қўшимча ўрганиш талаб этиладиган 640 та (44,7 фоиз) мурожаатнинг кўриб чиқилиши назоратга олинди, 411 таси (28,7 фоиз) бўйича эса асослангандан ҳуқуқий тушуниришлар берилди.

Жумладан, Тошкент шаҳар ҳокими, 1-сектор раҳбари қабул қилган 97 нафар фуқародан 38 нафари (39,2 фоиз), Тошкент шаҳар прокурори, 2-сектор раҳбари қабул қилган 85 нафар фуқародан 4 нафари (4,7 фоиз), Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи, 3-сектор раҳбари қабул қилган 49 нафар фуқародан 8 нафари (16,3 фоиз), Тошкент шаҳар ДСБ бошлиғи, 4-сектор раҳбари қабул қилган 49 нафар фуқародан 4 нафарининг (8,2 фоиз) мурожаати жойида ҳал этилди.

Шунингдек, тегишли тартибда суд органлари томонидан ўтказилган сайёр қабулларда 89 нафар фуқародан 16 нафарининг (18,0 фоиз) муаммоси жойида ечим топди. Адлия идоралари томонидан эса 23 нафар фуқаро қабул қилиниб, улардан 2 нафарининг (8,6 фоиз) муаммоси бартараф қилинди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган рақамлар Тошкент шаҳар кесимида амалга оширилган ишлар натижасидир. Бундан ташқари, ҳудуд шундай тадбирлар пойтахтимизнинг барча туманларида ҳам амалга оширилмоқда. Шу кунгача пойтахт



туманларида 91 та сайёр қабул ташкил этилиб, улардан 1160 та мурожаат келиб тушди. Мазкур мурожаатларнинг 330 таси жойида ҳал этилиб, 373 таси юзасидан тушуниришлар берилди ва 461 тасининг ижроси назоратга олинди.

Сайёр қабулларнинг энг муҳим жиҳати шундаки, фуқаролар ўзларининг шахсий ва ҳаётини муаммо ҳамда масалаларини бевосита масъул давлат органлари раҳбарлари ҳузурида баён этмоқдалар ва уларнинг аксарияти ортиқча овозгарчиликларсиз, югур-югурларсиз ўз ўрнида ҳал бўлмоқда. Жойида ҳал этиш имкони бўлмаганлари эса Халқ қабулхоналари орқали жорий тизимга киритилиб, уларнинг қатъий ечими назоратга олинмоқда.

Улуғбек МАМАДАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхонаси масъул
ҳодими
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

ЎЗБЕКИСТОН САЙЁХЛАР МАМЛАКАТИ

Польшанинг Краков иқтисодий университети (СUE) талабалар уюшмаси Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини тарғиб қилишда кўмаклашмоқда

— Польшанинг Краков иқтисодий университети талабалар уюшмаси билан Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини тарғиб қилишга келишиб олди, — дейди ватандошимиз, Италиянинг Мессина университети талабаси Жасурбек Эргашев. — “Ўзбекистон сайёҳлар мамлакатини” шiori остида бир қатор тадбирлар ташкил этилди. Унда Европанинг турли мамлакатларида таҳсил олаётган 70 дан ортиқ талабалар қатнашди.

Ватандошларимиз томонидан ташкил этилган тадбир давомида мамлакатимизнинг туризм салоҳияти бўйича тақдирот ўтказилди. Унда Ўзбекистоннинг бой маданияти, тарихи, урф-одатлари, миллий таомлари, либослари намойиш этилди. Тақдиротнинг иккинчи қисмида замонавий технологиялар ёрдамида иштирокчилар Ўзбекистонга виртуал сайёҳат қилиб, Бухоро, Самарқанд, Хива шаҳарлари ҳақида маълумотлар олишди.

Тадбир доирасида ўзбек мил-

лий таомлари, жумладан, палов ва сомса тайёрланиб, иштирокчиларга улашилди. Тадбир якунида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан тақдим этилган Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини акс эттирувчи тарғибот материаллари иштирокчиларга тарқатилди.

— Кўплаб талабалар тадбир якунида ўзларининг илқ таассуротлари билан бўлишишди, — дейди ватандошимиз, Болтиқ халқаро академияси талабаси Сардор Исламов. — Хусусан, Европа мамлакатларида таълим олаётган хорижлик талабалар Ўзбекистон ҳақида етарли маълумотга эга эмас, лекин қизиқиши кучли экан. Тақдиротдан сўнг юртимизга ташриф буюришларини маълум қилишди. Миллий таомларимизни тотиб кўриб, қандай тайёрланишини сўраганлар ҳам кўп бўлди.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси матбуот хизмати маълумоти асосида Зиёда РАСУЛОВА тайёрлади

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнги хавфсизлиги институтини “Амир Темур фахримиз, ифтихоримиз, гуруримиз” мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

ФАХРИМИЗ, ИФТИХОРИМИЗ, ГУРУРИМИЗ

Миллий давлатчилик тарихида ўчмас из қолдирган улуғ аждодимиз Амир Темур хотирасини ёд этиш, ёшлар қалбига тарихий хотира, буюк ўтмишимизга дахлдорлик ва ватанпарварлик туйғусини янада чуқурроқ сингдириш мақсадида ўтказилган ушбу тадбирда Ўзбекистон халқ ёзувчиси, атоқли адиб Муҳаммад Али, темиршунос олим, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Халим Бобоев ҳамда бошқа адабиётшунос олимлар, профессор-ўқитувчилари, тингловчи ва курсантлар иштирок этди.

Тадбирни институт бошлиғи Нуриддин Нарматов кириш сўзи билан очиб, Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомиз Оқсарой пештоқиға “Адолат — давлатнинг асоси ва ҳукмдорлар широдир”, деган ҳикматли сўзларни ёздиргани бежиз эмаслигини алоҳида эътироф этди. Ушбу улуғвор гоя инсон қадриқиммати олий даражага кўтариш борасидаги амалий ҳаракатларимиз пойдевориға айланди”, дея Соҳибқирон бобомиз даврида шаклландан давлат бошқаруви асосларининг туб негизиде халқ ва давлат манфаати, инсон омили марказий ўринда турганлигини эътироф этганлигини таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ўз сўзида мамлакатимизда тарихий адолатни тиклаш, миллий ўзликини англаш, улуғ аждодларимиз меросини кенг тадқиқ ва тарғиб этиш, уларнинг номини абадийлаштириш, ўсиб келаётган навқирон авлодни бо-боқалонларимиз асарларидан баҳраманд этиб тарбиялашға алоҳида эътибор қаратиб келинаётганлигини эътироф этди.

Буюк давлат арбоби, Соҳибқирон Амир Те-

мур босиб ўтган излари, ҳаётини ўғитлари, ўзига хос фазилатлари ва амалга оширган бунёдкорлик ишларини қанча сўзласак ҳам адоғиға етолмаймиз.

— Бугунги тадбирда мен Амир Темур бобомизнинг ҳаёт ва ибратли йўли ҳақида жуда кўп маълумотларға эға бўлдим, — дейди Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнги хавфсизлиги институтини 2-босқич курсанти Бекзод Базарбаев. — Бу тадбирдан сўнг Амир Темур сиймосиға бўлган ҳурматим ва фахрим янаде ошди. Тадбирда Соҳибқирон бобомизнинг ҳарбий соҳадаги ишлари, давлатни бошқаришдаги ўғитлари ва унинг буюк инсонийлик хусусиятлари ҳақида билдик. Буюк бобомизнинг мўғуллар истилосиға чек қўйганлиги, марказлашган давлат тузиб, туркий халқларни бирлаштиригани, ҳатто Европа давлатларини қутқаргани менға фахр бағишлади.

Тадбир давомида мамлакатимизда маънавий-маърифий муҳитни юксалтириш, миллий ўзликини англаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар самараси ҳақида сўз юритилди. Ёшларимиз қалбиде ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, Ватан тушунчасини теран англаб этишға ўргатиш, ватанпарварлик юксак маънавий-ахлоқий қадриятлигини тушунириш муҳим вазифа эканлигини таъкидланди. Бу борада Амир Темур сиймоси ёшларни ватанпарварлик руҳиде тарбиялашда муҳим аҳамиятға эға эканлиги эътироф этилди.

Неъмат ЎРАЗБАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнги хавфсизлиги институтини катта ўқитувчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳрида 2019-2020 йилларда иситиш мавсумиға сифатли тайёрларлик кўриш мақсадида 2019 йилнинг 18 апрелидан 26 апрелигача иссиқ сув бўйича иссиқлик истеъмолчиларини чегараламаган ҳолда, иссиқлик тармоқларининг механик чидамлилиги ва пишқилиши (юқори босимда) синовдан ўтказилади.

Иссиқлик манбаларининг амал қилиш зоналарининг манзили рўйхати:

10-ИМ

18 апрель — босим билан текшириш (опрессовка) — Фаробий, Беруний, Мухбир, Мирзо Ғолиб, Шифокорлар, Талабалар, Қамарнисо, Қорақамиш 1-тор кўчалари, Шифокорлар тор кўчалари, Ёшлик, Чимбой, Жарариқ, Қорақамиш 2/3, 2/4, Бешқўрғон-1, 2, 3, 4, Қамарнисо, Олимпия, Ибн Сино 1, 2, Белтепа даҳалари, ЎЗМУ, ТДТУ худуди, Шифокорлар шаҳарчаси.

ИЭМ (М-0)

23 апрель — босим билан текшириш (опрессовка) — Рашидов, Бобур, Шота Руставели, Богобўстон, Арнасой, Катта Чилонзор, Афросиёб, Шоҳжаҳон, Д.Шоший, А.Авлоний, Беларик, Имом ат-Термизий, Ўрикзор, Богтепа 5-тор кўчаси, Жийдазор 1-тор кўчаси,

Муқимий, Якуб Колос, Чимкент, Сеул, Аския, Чўпонота кўчалари, Чилонзор даҳаси 1, 2, 3, 4, 5, Е, И-мавзелари, М-7 турар жой даҳаси.

1-ИМ (М-1,4)

25 апрель — босим билан текшириш (опрессовка) — Мустақиллик шох кўчаси, Мирзо Улуғбек, Буюк Ипак йўли, Қори Ниёзий, Муҳаммад Юсуф, Сайрам, Тамарахоним, Оққўрғон, Оққўрғон 1-тор кўчаси, Осиё, Л.Толстой, Навниҳол, Навниҳол 3-тор кўчаси, И.Мўминов, Кичик ҳалқа йўли, Катта ҳалқа йўли, Наманган, Зарбулоқ, Қирқ йигит, Озодлик, Дўрмон йўли, Шаҳриобод, Зиёлилар, Мирзакалон Исмоилий, Боғишамол, Паркент, Қаландар, Ясси, Бўз, Сайрам 5-тор кўчаси, Сайрам 7-тор кўчаси, Чуст, Катта Дархон, Катта Дархон 2-тор кўчаси, Геология, Ниёзбек йўли, Тамарахоним тор кўчаси кўчалари, “Тошқилиқоқмаш”, Мавлоно Риёзий, Яланғоч, Бўз-1 даҳаси, ТошГРЭС шаҳарчаси, Ҳамид Олим-

жон майдони, Тошкент Давлат аграр университети ҳудуди.

5-ИМ (М-0,4)

26 апрель — босим билан текшириш (опрессовка) — Чилонзор даҳаси 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 9А, 16, 17, 18, 19, 20, 24, 25, 26, М, 20А-мавзелари, Дўмбиробод, Роҳат, Исхаков, Бобоев, Усмур, Тахиятош, Дўмбиробод мавзеси, Оқтепа, Шарқ, Гулистон, Ал-Хоразмий-1, 2 турар жой даҳалари, Заргарлик, Лутфий, Нурафшон, Гулҳаний, Қатортол, Гулистон, Муқимий, Богистон, Фарход, Чўпонота, Богобўстон, Самарқанд дарвоза, Сеул, Кичик ҳалқа йўли, Наққошлик, Қозиробод, Катта Хирмонтепа, Ширин, М.Шайхзода, Қатортол 1-тор кўчалари, Оқтепа мавзеси.

Сизнинг эътиборингизни иссиқлик тармоқлари қувурларида шикастланишлар бўлиши мумкинлигиға қаратамиз. Йўлларнинг қатнов қисмиға ва пиёдалар йўлиға иссиқ сув сачраши мумкин, шу боисдан ҳайдовчилар ва пиёдалар, маъмурий ва турар жой биноларидаги одамларнинг эҳтиёткор ва эътиборли бўлишлари талаб этилади.

Вақтинчалик ноқулайликлар бўлишини тушунишгини сўраймиз. Ноодатий ҳолларни сезсангиз (71) 215-72-73 телефони орқали маълум қилишингизни сўраймиз.

“101”

“ТИЛСИЗ ЁВ” ДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ...

Одатда ёнгиларнинг асосий қисми аҳоли турар жойларида содир бўлади.

Шунинг учун ҳам Ёнги хавфсизлиги хизмати ходимларининг эътибори кўпроқ аҳоли ўртасида ёнги хавфсизлиги бўйича профилактик ишларни кучайтиришға қаратилган.

Афсуски, шунга қарамай пойтахтимизда турли сабабларға кўра ёнгилар содир бўлмоқда. Уларда инсонлар тан жароҳати олгани ёки ҳалок бўлганини айтиб, ачинаб кетади киши. Айрим юртдошларимиз ёнги хавфсизлиги қондаларини яхши билсалар-да, негадир уларға амал қилишни ҳушламайдилар. Бунинг натижасида эса хонадонлар, катта майдонлар олов қуршовида қолади, инсонларни ҳалок бўлишиға олиб келади. Бундай фожиали ҳолатлар ҳаётга енгилтаклик билан қараётган фуқаролар учун сабоқ бўлмоғи лозим.

Латофат ПАХРУТДИНОВА,
Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти
Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик
мажмуасини ёнгиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ
инспектори, лейтенант

Ёнги хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда аҳоли ўртасида “тилсиз ёв”нинг олдини олиш бўйича тарғибот-ташвиқоти бўйича учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Амалга оширилаётган тадбирлардан қўланган мақсад аҳоли ўртасида ёнгина қарши курашни кучайтириш, аҳолини жалб қилишдан иборатдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “тилсиз ёв” билан курашиш фақатгина ёнги хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир. “Ўз уйингчи ўзинг асра” деган шior барча фуқаро, оилалар, корхона ва ташкилотта тааллуқлиги эканлигини унутмаслик лозим.

Азизжон КОДИРОВ,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси биносини ёнгиндан муҳофаза
қилувчи ЁХБ кичик инспектори, сафдор

“Тилсиз ёв” сабабли йилға қанчадан-қанча кишилар бошпанасиз қолади, саломатлигидан айрилади, баъзилар эса яқин кишиларини йўқотади.

Аҳоли ўртасида ёнги хавфсизлиги қондаларига риоя қилмаслик, газ ва электр тармоқларини ўзбошимчилик билан улаб олиш, носоз иситиш ускуналаридан фойдаланиш каби ҳолатларни аниқлаш учун маҳалла фаоллари ёрдамида текширувлар ўтказиб, камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилоқда. Шундай экан, ёнги хавфсизлиги қондаларига амал қилиш муҳимлигини унутманг.

Саидхўжа САФИЕВ,

“Миллий” стадиони ЁХБ кичик инспектори, сафдор

Ёнги натижасида болаларнинг жабр кўриши асосининг кўнглини ўртайдиган ҳолатдир. Кўйиш жароҳатидан азоб чекаётган болаларни кўриб, ёнги хавфсизлиги борасидаги лоқайдлик, эътиборсизлик қанчалар қимматга тушётганлигини ҳис қиламиз.

Бу каби ҳолатларға йўл қўймаслик учун фарзандларимизға ёнги хавфсизлиги қондаларини доимий равишда ўргатиб бориш муҳим. Бундан ҳеч қанон эринмаслик лозим. Сўзгина эътиборсизлик қилиб, фарзандларимиз соғлимиға зарар етказгандан кўра, бутун шу нарсаға қарши биргаликда кураш олиб боришимиз даркор.

Зафар АКБАРОВ,

ЁХБ инспектори, капитан

Болаларни қаровсиз қолдириш, газ ва электр асбобларидан фойдаланишда ёнги хавфсизлиги қондаларига риоя қилмаслик ёнгиндан оз беришиға сабаб бўлмоқда.

Ачинарлиси кўйиш тан жароҳати олганларнинг асосий қисмини ўсимлар ташкил этади. Шундай экан бундай ҳолатларға тушиб қолмаслик учун фуқароларимиз ёнги хавфсизлиги қондаларига риоя қилишлари, аланға чиқуши эҳтимоли бўлган нарсаларни доимо эътиборда тутишлари керак. Ана шунда биз ёнгининг олдини олган бўламиз.

Шухрат ХАЛИЛОВ,

Яқкасарой тумани ЁХБ инспектори,
катта сержант

Ёнги бир неча сонияда мол-мулк ва яқинлардан ажратадиган бир офатдир. Ҳаётда содир бўладиган дахшатли фалокатлардан бири шубҳасиз ёнги.

Агар биз қундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнгининг таҳлил қилсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар ўзининг бепарволигимиз, ёнги хавфсизлиги қондаларига риоя этмаслигимиз, ёш болаларимизға эътибор бермаслигимиз, уларни ёлғиз қолдириб кетиш оқибатларида юзаға келаётганлигини кўрсатади. Билиб туриб ўзи ва мол-мулкнинг хатарға қўйишди. Кўнчилик фуқаролар уларнида электр тизимини ўзлари билганича, хавфсизлик қондаларига риоя қилмасдан таъмирлашади.

Шу ўринда ёнги хавфсизлиги қондаларига доимо амал қилишни унутманг.

Алибек МИРЗААҲМЕДОВ,

Миробод тумани ЁХБ инспектори, сафдор

Ёнги хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан ёнгинларнинг олдини олиш, инсонлар ҳалок бўлишиға йўл қўймаслик борасида қатор чора-тадбирлар кўрилоқда.

Халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида, шунингдек, саноат корхоналари, билим юрталари, мактаб, боғча ва аҳоли турар жойларида ёнги офатининг олдини олиш учун режалар текширувлар ўтказилмоқда. Фуқаролар билан учрашувлар, суҳбатлар уюштирилди, оммавий ахборот воситалари орқали тушунириш ишлари олиб борилоқда.

Юртимиз ва халқимиз бойлигини, энг беаҳоси инсон ҳаётини ёнгиндан асраш ҳаммамизнинг бурчидир. Бунинг учун ёнги хавфсизлиги қондаларига тўлиқ риоя қилиб, зарур чора-тадбирларни ўз пайтида кўриш, давлат ёнги назорати томонидан текшириш мўбайида аниқланган барча камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш лозим.

Отбек МўМИНОВ,

“Тошкент ИЭС” УК ЁХБ
15-ХЁХК смена бошлиғи, катта лейтенант

Ёнги содир бўлган хонадон вайронга айланиб, уйдан фойз-баракча уади. Ачинарлиси, бир инсон ёки кичкинтой гўдак ушбу оловда жиддий тан жароҳати олиб, бир умрга ногирон бўлиб қолади ёки қурбонға айланади. Кимнингдир бепарволиги оқибатида бир неча дақиқаларда катта ёнги ҳосил бўлади. Уни даф этиш учун ёнги ўчирувчилар ҳамиси шай бўлиб турадилар.

Биз, ёнги хавфсизлиги ходимлари барча фуқароларни оловдан тўғри фойдаланишға чақирамиз. Уйдан чиқиб кетётганнингизда электр ва газ ускуналарини ўчиришни унутманг. Айниқса, болаларингизни ёлғиз қолдирманг. Келажагимиз бўлиши болаларни олов дастидан бир умрга ногиронға айланишиға ёки мурғак умри зомин бўлишиға йўл қўйманг!

Тоҳир ИСМОИЛОВ,

ЁХБ кичик инспектори, сафдор

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 19 март куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, китобхонликни тарғиб қилиш масалаларини атрофлича муҳокама қилиниб, 5 та ташаббусни таклиф этдилар. 5 та ташаббуснинг тўртинчи қисмида ёшлар маънавиятини юксалтириш улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш ва ташкил этиш кўрсатилиб ўтилган эди.

КИТОБ – ТАФАККУР ҚАНОТИ


Дарҳақиқат, ўсиб-униб келаётган йигит-қизлар жамиятда ўз ўрнига эга бўлган, маълум бир ютуқларга эришган кишиларга ҳавас қилади, уларга ўхшашга интилади, ортидан эргашади. Улар томонидан совға қилинган китоблар албатта ўқилади, асраб-авайланади, қадри совға саналади. Демак, биз кўз ўнгимизда қад ростлаётган ёшларимизнинг китоб мутолааси билан қай даражада банд бўлаётгани ва қандай китобларни танлаб ўқиётганидан бохабар бўлишимиз керак. Чунки ёшларнинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, уларда она Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқатни камол топтиришда китобхонлик маданиятининг ўрни беқийсдир. Ўтказилган маънавий-маърифий тадбирнинг туб жосяи ҳам ана шунга асосланган.

Айни вақтда ўтказилган кузатиш ва таҳлиллар бу соҳада ўз ечимини кутаётган бир қатор долзарб муаммолар борлиги ва уларни кенг қўламад ҳал этиш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусусан, халқимиз, аввало, ёшларнинг маънавий-маърифий, бадиий-эстетик талабларига жавоб берадиган китобларни юксак сифат билан чоп этиш, жойлар, таълим муассасаларига вақтида ва мақбул нархларда етказиш, миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини таржима қилиш, фарзандларимизда болаликдан бошлаб китоб, жумладан, электрон китоб ўқиш кўникмасини шакллантириш, жамия-

тимизда мутолаа маданиятини юксалтириш билан боғлиқ муҳим масалаларни ҳал этиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда “Нуроний” жамғармаси Бошқаруви ташаббуси билан “Нуронийлар масканлари” ҳузуридаги кутубхоналар китоблар билан тўлдирилмоқда. Шунингдек, ҳамкор ташкилотлар жумладан, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, “Маҳалла” кенгаши билан ҳамкорликда “Энг китобхон мактаб”, “Энг китобхон маҳалла”, “Энг китобхон оила”, “Энг фаол кутубхоначи”, “Энг фаол китобхон нуроний” кўрик-танловларида фаол иштирок этмоқдалар.

“Адабиётга эътибор – келажакка, маънавиятга эътибор” шиори остида Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Бошқаруви ташаббуси билан А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Китоб: мутолаа завқи ва ёшлар” мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда иштирок этган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби адабиётшунос олим И.Фафуров, педагогика фанлари доктори, профессор М.Худойкулов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ш.Салимова, шоира Ф.Афруз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси С.Умиров, олимпиада О.Мусурмонова, “Гулхан” журнали бош муҳаррири З.Хасановалар ёшларни китоб мутолаасига қизиқтириш, мутолаани қайси китоблардан бошлаш, унда ни-



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР

Фикр қанча қисқа бўлса, шунча таъсирли бўлади.

* * *

Дунёда ҳамма нарса тугаса ҳам сўз тугамайди.

* * *

Бировнинг сири бошқага ҳаммаша қизиқ туюлади.

* * *

Ота-она учун болаларининг бахти-ю камолини кўришдан ортиқ бахт йўқ.

* * *

Бировни алдаш аввало ўзингни алдашдир.

* * *

Сафар инсоннинг кимлигини билдиради.

* * *

Палапартиш одам ўзини саришта кўрсатишга уринади-ю, лекин бир ҳаракати билан билдириб қўяди.

* * *

Меъёридан ошса яхши нарса ҳам ёқмай қолади.

* * *

Ўзингни оқлашга ҳаммаша баҳона топилади.

* * *

Ақл бир нарсани хоҳлайди, кўнгил бошқа.

* * *

Ким ўйлаб яшайди, ким ўйнаб.

* * *

Бир соҳа кишилари тез тил топишадилар.

* * *

Ўз имкониятини ҳисобга олмаган шарманда бўлади.

* * *

Пул топиш осон, дил топиш қийин.

* * *

Инсон ҳеч қачон ўзи тасаввур қилган даражада бахтли ёки бахтсиз бўлмайди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“ARSLON PLASTIK” МЧЖ Устав жамғармасидаги 33 фоизлик улушини сотишни маълум қилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Юқори Чирчиқ кўчаси, 1-уй. Тел: (90) 973-03-14, (91) 621-40-49.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети томонидан 2001 йилда Раҳматов Ғолиб Сунатовичга берилган В № 827609 рақамли бакалавр дипломи иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзидромет ХАБАР ҚИЛАДИ
Тошкент шаҳрида 18 апрель кунини ҳаво ўзгартириш турати, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 12-14, кундузи — 25-27 даража илқ бўлади. Ўзидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 18 апрелда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Шифокор огоҳлантиради

ЗАҲАРЛИ ҚЎЗИҚОРИНДАН САҚЛАНИҲ

Баҳор фаслида ёғингарчиликларнинг мўл бўлиши ва ёмғирлар ёғиши туфайли замбуруғларнинг ўсиб, ривожланиши учун қулай шароитлар вужудга келади. Бу фаслда кўплаб замбуруғлар пайдо бўлади ҳамда ўсиб кўпаяди.

Юртимизда замбуруғларнинг 300 дан зиёд турлари мавжуд бўлиб, уларнинг 25 туригина истеъмол учун яроқли деб топилган. Истеъмол учун яроқли бўлган замбуруғ турларини маҳаллий аҳоли “қўзиқоринлар” деб атайдилар. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг ҳар вилоят ва туманларида қўзиқоринларнинг фақат айрим, муайян турларигагина терилиб, улардан турли хилдаги тансиқ таомлар тайёрланади. Бу истеъмол учун яроқли қўзиқоринлар маъданли моддалар, оқсил ҳамда “С” ва “В” гуруҳларига мансуб витаминларга жуда бойдир.

Бироқ республикамиз ҳудудидега ўсадиган қўзиқоринларнинг 275 дан зиёд ботаник турлари заҳарли ҳисобланади. Уларни асло истеъмол қилиб бўлмайди. Бу турларга мансуб қўзиқоринлар таркибидега гелвелли кислотаси, фаллотоксин, аммонитоксин ва бошқа заҳарли моддалар мавжуд бўлиб, бундай қўзиқоринларга қанчалик ишлов берилмасин, улар таркибидега заҳарли моддалар ўзининг зарарли хусусиятини йўқотмайди. Улар қиздиришга жуда ҳам турғун, қайнатилганда зарарсизланмайди, оксиген таъсирида оксидланмайди ва ошқозон-ичак ферментлари таъсирида парчаланмайди, оқибатда истеъмол қилган кишиларнинг заҳарланишига сабаб бўлади.

Унутмаслик керакки, қўзиқориннинг рангсиз қурбақасалла турдагиси энг заҳарли бўлиб, унинг озгина миқдорини истеъмол қилганда ҳам одамларнинг ҳаёти хавф остида қолиши мумкин.

Республикамизнинг баъзи жамоа хўжаликлари ва ширкатларида истеъмол учун яроқли бўлган “Вешенка” ва “Шампиньон” қўзиқорин турлари-

ни етиштириш ва савдо қилиш учун рухсат берилган. Бу хўжалик ва ширкатларда етиштирилаётган қўзиқоринлар ва улардан тайёрланган консерва таҳлил қилиниб, инсон соғлиги учун зарарсиз бўлган тақдирда ҳар бир маҳсулот учун санитар-эпидемиологик ҳулоса берилди. Ана шундай ҳулосага эга бўлган маҳсулотларни сотиб олиш ва тановул қилиш мумкин.

Заҳарли қўзиқоринларни истеъмол қилган кишиларда орадан бир неча соат ўтганидан сўнг кўнгил айнаб, тез-тез қайт қилади, ошқозон-ичак фаолияти бузилади, қоринда оғриқ пайдо бўлиб, бутун аъзо-бадани бўшашиб кетади, кўп сўлак ажралади, териси сарғаяди, артериал босим кескин пасаяди. Қўзиқорин таркибидега заҳарли моддалар жигар, буйрак, меъда ости бези ва марказий асаб тизими аъзоларини қаттиқ шикастлайди.

Қўзиқориндан заҳарланиш аломатлари вужудга келган тақдирда беморга 5-6 пиёла илиқ намақобли сув ичирилиб, уни сунъий қайт қилдириб, меъдаси ювилиши керак. Агар меъда ювилиб, ундаги заҳарли моддалардан ҳалос этилмаса, бу моддалар қонга сўрилади ва заҳарланиш янада оғир кечади. Беморларни уй шароитида даволаш оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундай ҳолнинг олдини олиш учун зудлик билан шифокорга мурожаат қилишни унутманг. Эсингизда бўлсин, заҳарли қўзиқоринлар соғлигингиз учун ўта хавфлидир.

Маҳмуд ШОДИЕВ,
Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази овқатланиш гигиенаси бўлими мудири,
олий тоифали шифокор

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“CAPITAL TRUST INVEST” МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошириш тартибидега ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдоларига таклиф этади!

2019 йил 24 апрель кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий аукцион савдосига АТ “Халқ банки” Тошкент шаҳар филиали Амалиёт бўлимининг 16.04.2019 йилдаги №19/19-сонли буюртмамоноси асосан АТ “Халқ банки” Тошкент шаҳар филиали Амалиёт бўлими тасарруфида қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда: 1. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Ёрқин ҳаёт 3 берк кўчаси, 7-уй манзилида умумий майдони 400 кв.м. бўлган 6 та яшаш хонасидан иборат турар жой, бошланғич нархи – 576 000 000 сўм. 2. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 49-уйда умумий майдони 4653 кв.м.дан иборат савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ва умумовқатланиш мажмуаси, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели 6-мавзеси, “Сергели дехқон бозори” 10-блокда жойлашган умумий майдони 144.0 кв.м. бўлган 3 қаватли бинонинг 1-қаватида жойлашган қаҳвахона ва дўкон ва Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели 6-мавзеси, “Сергели дехқон бозори” 10-блокда жойлашган умумий майдони 397.0 кв.м. бўлган 3 қаватли бинонинг 2-қаватида жойлашган қаҳвахона биноси битта Лотда бошланғич нархи – 7 299 000 000 сўм.

Аванс тўлови: Олди-сотди шартномаси умумий қийматининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 календарь кунини ичида (закалат тўловини ҳисобга олган ҳолда) тўлашни лозим;
Савдога қўйиш бошланғич қиймати ва аукцион савдо натижасидаги сотилиш нархи орасидаги фарқни закалат тўловига қўшимча равишда тўлаш мажбуриятини харидор ўз зиммасига олади.

Юқоридаги кўчмас мулк 2019 йил 24 апрель кунини соат 11.00 да сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2019 йил 10, 27 май, 11, 26 июнь ва 11, 26 июль кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли “Халқ Банки” филиали вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “CAPITAL TRUST INVEST” МЧЖнинг АТ “Халқ банк” Тошкент шаҳар филиали Амалиёт бўлимининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: Х/р: 20208000100757166001. МФО 01132. СТИР 304 802 952.

Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси санасидан бир иш кун олдин тўхтатилади. Савдо голибига аукцион савдоси натижалари бўйича голиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбуриятини оқлатилади. Кўчмас мулк учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй.
Тел: + 998-71-236-25-53. Веб-сайт: www.capitaltrust.uz

Лицензия: RR – 0298

Бектемир тумани ТСРЎИ томонидан 2018 йил 4 июнда 613274-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган “АНМАД MART” ХКнинг мулкдори қарорига асосан ихтиёрий тугатиш жараёнида эканлигини маълум қиламиз. СТИР: 305584092. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой муддатда қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади. Тел: (+99890) 932-99-26.

Тошкент давлат иқтисодий университети томонидан 1994 йилда Якубова Аллома-хон Джураевна номига берилган № 001747 рақамли (1265-рўйхат рақамли) диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасида “Чегарасиз шифокорлар” Халқаро муруват ташкилотининг филиалида Миссия раҳбари лавозимида ишлайдиган Испания фуқароси: Garcia Leonor Victor номига 01.01.2020 йилга берилган 2150 рўйхат рақамли АККРЕДИТАЦИЯ КАРТОЧКАСИ йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“Чилонзор тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Чилонзор тумани, Хива 1-тор кўчаси, 4А-уй учун Икрамжанов Номан Худайбердиевич номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Молия институти томонидан 2017 йилда Жаҳоналиев Оятилло Олимжон ўғли номига берилган В№ 925402 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари буинча турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@uamail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2142 нусхада босилди.
Қорғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14:50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13:00